




ТОШКЕНТ ОҚШОМ



ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 123 (9.467) 2000 йил 16 октябрь, душанба Сотувда эркин нархда

ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ А.Н.СЕЗЕРНИНГ ЎЗБЕКISTONГА РАСМИЙ ТАШРИФИ

БУГУН

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАКЛИФИГА БИНОАН ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АХМЕТ НЕЖДЕТ СЕЗЕРНИНГ ЎЗБЕКISTONГА РАСМИЙ ТАШРИФИ БОШЛАНДИ.

Ташриф чоғида икки томонлама алоқаларнинг ҳозирги аҳоли ва иштибоқларига оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилиши, шунингдек, қатор қўшма ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРАДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов тақлифига биноан республикамизга расмий ташриф буюрган Украина Президенти Леонид Кучмага бир гуруҳ ишбилармонлар ҳамроҳ бўлиб келган эди. Расмий делегациянинг ташрифи давомида пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида икки мамлакат ишбилармонларининг учрашуви бўлиб ўтди.
- Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан ҳамкорликда Имом ал-Мотурудий таваллудининг 1130 йиллиги ҳамда Бурхониддин ал-Марғиноний таваллудининг 910 йиллигига бағишланган илмий семинар бўлиб ўтди.
- Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Япония ўзбек журналисти нигоҳида» деб номланган фотокўргазманинг очилишига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари вакиллари ва Япония элчихонаси ходимлари иштирок этдилар.
- Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг кўлэмалар фондида 120 мингдан зиёд нодир асарлар сақланади. Форс, араб, ҳинд, урду, эски ўзбек ёзувидаги ушбу ноб қўлма асарларининг аксарияти ҳозиргача тўлиқ ўрганилмаган. Яқинда Махмуд Хасани бошчилигидаги бир гуруҳ институт тадқиқотчилари томонидан Марказий Осиё маданияти тарихида катта из қолдирган атоқли олим, йирик тасаввуф намояниси, шоир Шайх Хованди Тоҳурнинг (Шайхонтоҳур) форс тилидаги бир неча қўлэмаси аниқланди.
- Индияда Самарқанд кўни нишонланди. Шу муносабат билан кўша шаҳар маданият саройида «Самарқанд — Шарқнинг юлдузи» мавзuida илмий-амалий конференция ўтказилди.
- Ўзбекистонда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқаро савдо ҳуқуқлари бўйича масъул комиссияси хизматчилари делегацияси меҳмон бўлиб турибди.
- Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида «Нуроний» чойхонасида ўтказилган тадбирга ушбу ҳудуддаги маҳалларда истиқомат қилаётган энг кекса қариюрлар тақдир этилди. Тадбирда 100 ёшдан ошган 22 нафар қарияга туман ҳокимлигининг эсдалик совғалари топширилди.
- Юнусобод туманидаги Олим Хужаев номи 21-ўрта мактабининг 25 йиллиги тантана қилинди. Шу кўни илм даргоҳига фахрий ўқитувчилар, мактабни битириб кетган собиқ ўқувчилар тақдир этилди.
- Фарғонада «Коском» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонасининг «Коском» — «Водий» филиали иш бошлади.
- Фарғонада Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар кубок эгалари иштирокида футбол турнири бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

- Бугун Сочда Россия Президенти Владимир Путин билан Украина Президенти Леонид Кучма ўртасида икки томонлама ҳамкорлик юзасидан музокаралар бўлиб ўтди.
- Кеча Беларус парламентининг кўни палатасида депутатлар сайлови бўлиб ўтди. Унинг натижалари бугун эълон қилинади.
- Москвадаги «Олтин дўппи» ресторанида аънаванов қовун сайли ўтказилди. Унда ўзбек қовунларининг Ганноверда ўтказилган «Экспо-2000» халқаро кўргазмасида олтин медалга сазовор бўлган энг ширин қовун турлари намойиш қилинмоқда.
- Кеча Душанбе — Москва йўналиши бўйлаб қатновчи йўловчилар поездлар қатнови вақтинча тўхтатилди. Бунга Қозғистон ҳудудини босиб ўтувчи ушбу поездлар учун Тожикистон Қозғистонга йўлдан фойдаланган бўйича тўлов қарзларини тўламаётганига сабаб қилиб кўрсатилмоқда.
- Кеча Шимолий Осетия — Албания Республикаси кўни нишонланди.
- Грузия Ички ишлар вазирлиги панжара ортидаги қасалхонадан қочган 12 нафар маҳбуснинг номларини ошкор қилди.
- АҚШ сенати келгуси молиявий йили харбий харajatлар учун 310 миллиард доллар ажратилиши тасдиқланди.
- Бугун Тбилисда халқаро театр ва кино фестивали очилади.
- Бугун Бутунжазон аллергия кўни. (Шу санага бағишланган суҳбатни гезатанинг 3-саҳифасида ўқийсиз).
- Уш шаҳрининг 3000 йиллиги олдидан Захиримиддин Мухаммад Бобур номи вилоят ўзбек мусикали драма театри икхиди жамоаси санъат шайдолари учун аjoyиб тўхфа тайёрлади. Вилоят театри жамоаси «Шоҳ Бобур» номи мусикали драмани сахналаштирди. Асар Пиримкул Қодировнинг «Юлдузлар шаҳри» романи асосида икхидорли режиссёр Ганижон Холматов томонидан сахналаштирилди.
- Кеча Буюк Британиянинг Ямандаги элчихонаси биносида портлаш юз берди. Қурбонлар йўқ.
- Кеча Индонезия пойтахтида 104-парламентларо иттифоқ конференцияси ўз ишчи бошлади.
- Кеча Польша пойтахтида Шопен номидagi пианиночилар 14-халқаро танловининг учинчи босқичи бошланди.

Футбол: Ливан — 2000 МИРЖАЛОЛНИНГ СУПЕРГОЛИ

Ўтган кўни миллионлаб ўзбек ишқибозлари Ўзбекистон миллий тарма жамоасининг Ливанда ўтказилган XII Осиё чемпионатидаги биринчи учрашувини телевизор орқали кўришга муваффақ бўлиши ва айтиш кераки, ишқибозлару муғхассислар Катар тарма жамоаси билан ўтган ушбу учрашувида ўйин охиригача юракларини ҳовулаб ўтиришган бўлса ажаб эмас.

Негаки тарма жамоамиз бош мураббийси Юрий Саркисовнинг башоратларидан бу сафар ўзини оқламади. Яъни жамоамиз галаба қозониш у ёқда турсин, аранг дураниг натижалар кўлга киритди.

Авалло, учрашув охиригача айтганда Катар тарма жамоасининг устунлигида ўтганини айтмасак инсофдан бўлмас. Яъни, жамоамиз бахтига мухир дарвозабон Павел Бугало бор. Чунки Павел кўлгина вазиятларда аниқ ўйнаб, жамоамизни муқарар мағлубиятдан кутқариб қолган бўлса, ҳимоячиларимизни аксинча майдонда таниб бўлай қолди. Сабаб Лебедев ва Федоровлар кўпол хатоларга йўл қўйиб рақибларининг бемалол ҳужум қилишига имконият яратиб беришди. Фақат катарликлар кўп ҳолларда қулай вазиятлардан фойдалана олишмади. Терма жамоамиз дарвозасига 61-дақиқада гол урган Катар футболчилари ўйин туғашига 17 дақиқа қолганда ҳам олдида эдилар. Аммо 73-дақиқада футболчиларимизнинг Миржалол Қосимовнинг жарима тўғни рақиблари дарвозасига аниқ йўллаши жамоамиз жониға оро кирди ва ўйин 1:1 ҳисобида дураниг натижа билан яқунланди.

Ҳудди шу кўни жамоамиз қатнашаётган «С» гуруҳидаги Саудия Арабистони ва Япония ўртасидаги учрашува 4:1 ҳисобида японлар галабаси билан яқунланди. Япония жамоамизга галаба қозониш у ёқда турсин, аранг дураниг натижалар кўлга киритди.

Авалло, учрашув охиригача айтганда Катар тарма жамоасининг устунлигида ўтганини айтмасак инсофдан бўлмас. Яъни, жамоамиз бахтига мухир дарвозабон Павел Бугало бор. Чунки Павел кўлгина вазиятларда аниқ ўйнаб, жамоамизни муқарар мағлубиятдан кутқариб қолган бўлса, ҳимоячиларимизни аксинча майдонда таниб бўлай қолди. Сабаб Лебедев ва Федоровлар кўпол хатоларга йўл қўйиб рақибларининг бемалол ҳужум қилишига имконият яратиб беришди. Фақат катарликлар кўп ҳолларда қулай вазиятлардан фойдалана олишмади. Терма жамоамиз дарвозасига 61-дақиқада гол урган Катар футболчилари ўйин туғашига 17 дақиқа қолганда ҳам олдида эдилар. Аммо 73-дақиқада футболчиларимизнинг Миржалол Қосимовнинг жарима тўғни рақиблари дарвозасига аниқ йўллаши жамоамиз жониға оро кирди ва ўйин 1:1 ҳисобида дураниг натижа билан яқунланди.

«А» гуруҳи вақилари икхиди тур учрашувларини ўтказишди. Таиланд — Эрон учрашувида дураниг 1:1 ҳисоби кайд этилди. Ироқ — Ливан 4:1 ҳисобида яқунланди.

ЭПТАГА

Ўзбекистон тарма жамоаси икхиди учрашувини Япония тарма жамоасига қарши ўтказди. **Ақбар ЙЎЛДОШЕВ.**

ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

Расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Украина Президенти Леонид Кучма 13 октябрь кўни эрталаб Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ҳамроҳлигида пойтахтимиздаги Хотира ва қадрлаш майдониға бориб, Мотамсаро она ҳайкали пойига гул қўйди. Меҳмон Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлганлар хотирасини ёдга олди.

Шундан сўнг, Украина раҳбари пойтахтимизнинг Тарас Шевченко кўчасига борди. 1969 йили украинлик қурувчилар кўмаги билан бунёд этилган, айна пайтада шаҳардаги намунали билим масканларидан бири ҳисобланган 110-мактабининг ўқувчилари меҳмонларни гулдасталар билан қарши олди. У ерда украин халқининг озодлик кўйчиси Тарас Шевченко хотирасига ўрнатилажақ ёдгорлик пойдевориға рамзий тош қўйди.

Шу ернинг ўзида халқимиз билан елкама-елка меҳнат қилиб, тинч-тотув истиқомат қилиб келаётган украин миллатига мансуб юртдошларимиз билан учрашув бўлди. Бугунги кўнда юртимиздаги украинлар сони 300 мингдан зиёд. Улар ҳам мамлакатимиздаги бошқа миллат вақиллари қатори Ўзбекистоннинг иқтисодий қўдратини, халқ фаровонлигини ошириш йўлида бошқа миллатлар билан баҳамжиҳат меҳнат қилмоқда. Бунинг асосида, албатта, юртимиздаги мустаҳкам тинчлик ва барқарорлик ётибди. Учрашувда буларнинг барчаси Ўзбекистон раҳбарияти, хусусан, Президент Ислам Каримов юртайётган изчил сиёсат натижаси эканлиги алоҳида таъкидланди.

Шу кўни Леонид Кучма Ислам Каримов ҳамроҳлигида Бухороға борди.

Президентлар Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида бўлиб, бу ерда йўлга қўйилган замонавий иш услуби билан танишди. Ислам Каримов ва Леонид Кучма марказий бошқарув пултида меҳнат қилаётган мутахассислар билан суҳбатлашди.

Украина Президенти Леонид Кучма заводнинг фахрий меҳмонлар китобиға дастхат ёзиб қолди.

— Мен бу китоба мазкур заводдек замонавий корхоналар келажақда Ўзбекистоннинг қиёфасини белгилайди, деб ёздим, — деди Украина раҳбари журналистлар билан суҳбатда. — Модомки, мамлакат раҳбарияти шундай замонавий ва улкан корхоналар бунёд этиш ҳақида йўлаётган экан, демек, ўша давлатнинг порлоқ келажагини ҳам яратганлиги.

Кўнинг икхиди ярмида Украина раҳбари Бухородаги қадим ва жойибадор тарихий обидалар — Сомониюр макбараси, Пойи Калон мажмуиға кирувчи Минораи Калон, Масжиди Калон ва Мирараб мадрасаси, Лабиҳовуз ансамбли, Нодир девонбеги мадрасасини зиёрат қилди.

— Мазкур меъморий обидаларнинг қиёфасига қараб, мамлакатимизда маънавий қадриятларға қанчалик катта эътибор бериллаётганини, ўз тарихиға бўлган улкан эъзозни кўриш мумкин, — деди Л. Кучма. — Бухоронинг қадимий обидалари мени ҳайратта солди. Бу бинолар нафақат Ўзбекистон халқининг, балки бутун дунёнинг мулкидир.

Украина Президенти шу кўни Бухородан Киевға жўнаб кетди. Бухоро аэропортида олий мартабали меҳмонни Президент Ислам Каримов кузатиб қолди.



Украина Президенти Леонид Кучманинг мамлакатимизга ташрифи, томонлар яқдиллик билан таъкидлаганидек, жуда самарали ва самийи кечди. Икки кун давом этган бу сафар мамлакатларимиз ўртасидаги аънаванов дўстлик ҳамда кенг қўламли савдо-иқтисодий ва сиёсий ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Саидмурод РАХИМОВ, Анвар КАРИМОВ, Илхом САФАРОВ, Ўза мухбирлари.

СУРАТДА: Бухоро зиёрати. Рўзमत Жуманиёзов (Ўза) олган сурат.

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВ БИЛАН УКРАИНА ПРЕЗИДЕНТИ Л. Д. КУЧМАНИНГ ҚЎШМА БАЁНОТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг тақлифига биноан Украина Президенти Л. Д. Кучма 2000 йил 12-13 октябрда Ўзбекистон Республикасида расмий ташриф билан бўлди.

Бўлиб ўтган музокаралар давомида Ўзбекистон Республикаси ва Украина Президентлари ўзбек-украин муносабатларининг ҳозирги аҳоли, кенг қўламдаги икки томонлама ҳамкорлик масалалари ва унинг келгусидаги истиқболларини, ўзаро қизиқувчи уйғотувчи бир қатор халқаро ва минтақавий масалаларни муҳокама қилдилар.

Олий Томонлар Ўзбекистон Республикаси ва Украина ўртасида икки халқ орасидаги аънаванов дўстликка асосланган ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш заруратидан келиб чиқиб, замон талабларига мувофиқ равишда стратегик шерикликни чуқурлаштиришға кўмаклашувчи механизмларни барпо этишға қаратилган ҳарораларни ишлаб чиқиш заруратини эътироф этиб, қўйидагиларни баён қилдилар:

- Ўзбекистон Республикаси билан Украина ўртасидаги муносабатлар дўстлик ва ишонч, тенглик ва ўзаро манфаатдорлик, суверенитетни ҳурмат қилиш ҳамда бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик принциплари асосида изчил ривожланмоқда.
- Олий Томонлар Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 1999 йил 7-8 октябрда Украинаға амалға оширган ташрифи давомида эришилган аҳлашувлар, 1998 йил 19 февралдаги Ўзбекистон Республикаси ва Украина ўртасидаги дўстлик ва ҳам томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштириш тўғрисида Шартнома қондалари, шунингдек, бошқа асосий икки томонлама шартномалар бажарилишининг боришидан қониқиб изҳор этдилар.
- Президентлар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик стратегик шерикликнинг мақсад ва вазибаларига мувофиқ эканли-

гини таъкидладилар, тинчлик, барқарорлик ва собитқадам ривожланишни мустаҳкамлаш ва қўллаб-қувватлашда уларнинг позициялари ўзгармас эканлигини, бу эса Ўзбекистон Республикаси ва Украина суверенитети ва мустақиллигини таъминлашда принципиал аҳамиятга эга эканлигини тасдиқладилар.

Ўзбекистон Республикаси ва Украина уларнинг барқарорлиги ва миллий хавфсизлигиға хуруж ва таҳдидларға қарши туришда минтақавий ва халқаро даражада бир-бирини қўллаб-қувватлашға тайёр эканликларини тасдиқладилар.

4. Президентлар минтақавий ва умумдунёвий миқёсларда тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашда икки мамлакатнинг ҳамкорлигиға ҳаракатларини чуқурлаштириш принциплари муҳим характерға эга эканлигини таъкидлаб ва бу соҳада ҳам икки томонлама, ҳам халқаро ташкилотлар ва кўп томонлама ҳамкорлик механизмлари доирасида ҳамкорликни ривожлантиришға тайёр эканликларини изҳор этдилар.

5. Олий Томонлар афғон можаросини ҳал этишнинг тинч йўларини қидириб топилшида БМТ мувофиқлаштирувчилик ва етакчилик ролини йўнагани ҳолда Афғонистон бўйича «6+2» гуруҳи механизмининг фаолроқ қўллаш зарурлигини таъкидладилар.

6. Президентлар ўз давлатларининг Ядро қуроллини тарқатмаслик тўғрисида шартнома (ЯҚТШ)ға содиқлигини тасдиқлаган ҳолда, ЯҚТШ мақсадига эришиш учун ҳал қилувчи омиллардан бири сифатида жаҳонда ядро қуролдан холи зоналарни барпо этишнинг маъқуллайдилар ҳамда Марказий Осиёда бундай зонани барпо этиш минтақавий ва ялли хавфсизликни мустаҳкамлашининг энг муҳим жиҳатларидан бири эканлигини баён қилдилар.

7. Украина Президенти Ўзбекистон Республикаси Президентининг БМТ доирасида Терроризмға қарши кураш бўйича халқаро марказ тузиш ташаббусини қўллаб-қувватлашини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ук-

раина Президентининг Компьютер терроризмиға қарши кураш тўғрисида халқаро конвенцияни ишлаб чиқиш тўғрисидаги ва Киевда ЕХТ шаъфелгида этник тадқиқотлар минтақавий марказини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлади.

8. Ўзбекистон Республикаси ва Украина терроризм, диний экстремизм, қурол-ярроқларнинг ноқонуний савдоси, нарқобизнес, ноқонуний кўчиш ва уюшган жиноятчилик қарши курашда бундан кейин ҳам икки томонлама ҳамкорликни ривожлантирадилар ва чуқурлаштирадилар.

9. Олий Томонлар 2000 йил сентябрда Нью-Йоркда бўлиб ўтган ГУОМ анжумани доирасида қабул қилинган қарорлар асосида ГУОМ доирасидаги ўзаро ҳамкорликни янада фаоллаштириш заруратини тасдиқладилар. Нью-Йорк меморандуми қондаларига амал қилиб, Ўзбекистон ва Украина «Европа-Кавказ-Осиё» транспорт-робитаси тизимининг ишлашиға унинг инфратузилмасини ривожлантириш, хавфсизлиги ва ундан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича тегишли келишилган ҳамда ўзаро мақбул чоралар қўриш орқали ҳар томонлама кўмаклашишға тайёр эканликларини изҳор этдилар.

Шу муносабат билан ГУОМ бирлашмаси, ишонч ва хавфсизликни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнашни давом эттиргани ҳолда, янги ривожланиш босқичиға кирмоқда, унинг моҳияти иқтисодий ҳамкорликни тубдан чуқурлаштириш, хусусан, ГУОМ доирасида эркин савдо режимида барпо этиш бўйича ишни фаоллаштиришдан иборатдир.

10. Президентлар ўзаро манфаатли иқтисодий ва савдо алоқаларини кенгайтириш мақсадига ҳам томонлама ҳамкорлик бўйича қўшма ўзбек-украин комиссияси ишини самарадорлигини ошириш зарурлигини таъкидладилар.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида Украинаға табиий газни етказиб бериш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали Украинаға Туркменистон табиий газини транзит ўтказиш тўғрисидаги Ўзбекистон — Украина битимларини самарали амалға ошириш ўзаро манфаатли бўлиши қайд қилинди.

11. Президентлар икки мамлакат ўртасида инсонпарварлик соҳасида, хусусан, маданият ва илмий-техникавий соҳаларда ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш ҳамда чуқурлаштириш муҳимлигини таъкидладилар, шунингдек, Украина илмий-технологик маркази (УИТМ) фаолияти доирасида Ўзбекистон Республикаси ва Украина ҳамкорлигидан қониқиб изҳор этдилар.

12. Президентлар икки томонлама муносабатларнинг шартнома-ҳуқуқий базасини мукаммаллаштириш бўйича ўтказилган ишларнинг муҳимлигини қайд этдилар. Бунинг натижасида 1998 йил 20 августда имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Украина ўртасида Ўзбекистон Республикасида Украинаға депортация қилинган, қайтиш истagini билдирган шахсларнинг фуқаролик масалаларини ҳал этишға кўмаклашиш тўғрисида Аҳлашувнинг амал қилиш муддатини 2001 йил 31 декабрғача узайтиришға қарор қилинди, шунингдек, бир қатор бошқа икки томонлама халқаро шартномалар имзоланди.

Украина Президенти Л. Д. Кучманинг Ўзбекистон Республикасиға ташрифи, мазкур ташриф доирасида бўлиб ўтган учрашува ва музокаралар икки давлат муносабатларига хос дўстлик, ишонч ва тўла ҳамжиҳатлик руҳида ўтди.

ЎЗБЕК—ТУРК КОРХОНАСИНИНГ БЕЖИРИМ ЛИБОСЛАРИ

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Чаглан» ўзбек-турк қўшма корхонасида ҳозирда 300 нафардан ортиқ ўзбек хотин-қизлари фаолият кўрсатиб, унинг замонавий жиҳозланган цехларида тиклаётган 150 дан ортиқ турдаги маҳсулотлар, яъни эркаклар, аёллар ва болалар устки кийим-кечаклари Германия ҳақда Америка давлатларига экспорт қилинмоқда ва бу мамлакатларнинг савдо дўкўнларига «Ўзбекистонда тайёрланган» тамгаси билан харидорларға сотилмоқда.

Корхона цехларининг барчаси Япониядан келтирилган юксак унумли дастгоҳлар билан жиҳозланган. Шу боис ҳам малакали чеварлар сифатли ва рақобатбардош маҳсулотларни тайёрлашға муваффақ бўлишмоқда.

— Ўзбекистондаги барқарорлик, айнқиса инвесторларға яратилаётган шарт-шароитлар бизни ҳам мамнун этмоқда ва ҳамкорликни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда, — дейди қўшма корхона бош директори Неждет Чақан. — Энг муҳими корхонамизда маҳаллий хом ашё — пахта толасидан сифатли маҳсулот тайёрланади. Мақсадимиз унинг турларини кўпайтириш, чет эллик харидорларнинг сафини ортиришдир.

Ҳозирда корхонада эркаклар ва болалар спорт костюмлари, аёллар юбкалари тикилмоқда. Кейинги ойларида сўнги фасондаги аёллар юбқасидан 100 минг донна тикилиб, Америка Қўшма Штатларига экспорт қилинди. Шу кўнларда эса жамоа моделлари янги маҳсулот — бежирим ва харидор талаби асосидаги шимлар моделини яратишди. Корхона ўз фаолияти давомида 2 миллион АҚШ долларини маҳсулотни экспортта чикарди. Келгусида эса янада қиройли либослар тайёрлаб, уларни бошқа давлатларға ҳам сотиш режаланган.

Дилноза ГИЁСОВА.

Кейинги йилларда пойтахтимизда нафақат мухташам иморатлари гўзал, шинам турар жой бинолари, шу билан биргаликда жохон андозалари даражасидаги раво йўллар, катта кўприклар бунёд этилмоқда, эски автомагистрал йўллари таъмирланиб замонавий тўс олмақда. Буларнинг барчаси, албатта шахримизда транспорт катнови учун бирмунча қўлайликларни вуҷудга келтирган бўлсада, лекин ҳамон транспорт муаммосини тўлалигича ҳал этилди дея олмаймиз.

Шунинг учун ҳам яқинда Тошкент шаҳар ҳокимлигида ўтказилган йиғилишда муҳокамага қўйилган пойтахтни 2015 йилгача ривожлантиришнинг бош режаси лойиҳасида ушбу масалага ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бу ҳақда Тошкент бош режалаштириш илмий-тадқиқот ва лойиҳалаштириш институтининг бош режалаштириш бўйича бўлими бошлиғи, транспорт бўйича бош мутахассис Виктор МИХАЭЛЯН куйидагиларни гапириб берди:

Келажакка юз тутган шаҳар

ТРАНСПОРТ РАВНАҚИ ЙЎЛИДА



— Шуни алоҳида айтиш лозимки, бугунги кунга келиб шахримизда зич кўчалар, чорраҳалар, туташув йўллар кўпайиб кетган. Айниқса, бундай транспорт тикрилч булган Фарҳод — Халқлар Дўстлиги, Ўзбекистон — Шароф Рашидов, Амир Темур — Эргашев кўчаларини бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Бунга асосий сабаб энгил автомобиллар саройларининг кўпайиб кетганидир бўлиб, статистик маълумотларга қараганда ҳар минг кишига 95 та машина тўғри келади. Бу муаммони ечишнинг бирдан бир йўли келгусида янги типдаги, яъни узлуксиз ҳаракатни таъминлайдиган магистрал йўллари барпо этишдир. Бизнинг бир неча лойиҳалаштириш институтлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган бош режа схемасида бир қанча тақлиф ва тавсиялар берилган. Авваламбор асосий эътибор янги типдаги узлуксиз автомобиль йўллари кўпайтиришга қаратилган. Бундай магистрал йўлларга пойтахти-

миздаги Халқлар дўстлиги — Фарҳод, Ғ.Ғулом — Аҳмад Дониш, Қодирий — Оҳангарон шосселарини мисол қилиб келтириш мумкин.

Умуман олганда яқин 10-15 йиллар ичида кўчалар 637 километрдан 820 километрга узайтирилиши кўзда тутилди, янги йўллар билан бир қаторда 40 тага яқин замонавий кўприклар ва транспорт иншоотлари ҳам бунёд этилади. Енгил автомобиллар саройининг сони ҳам кўпаяди.

Кўпчиликда шахримиз ичида қуриладиган кичик Халқа йўли қизиқлиқ уйғотиши табиий. Маълумки, бугунги кунда шахримизни пойтахт вилоти билан боғловчи катта Тошкент Халқа йўли мавжуд. Унинг қўлай томонлари жуда кўп. Агар шаҳарнинг у чеккасида бу чеккасига бориш учун қанча вақт сарфланишини ҳисобга олсак, пойтахт ичида ҳам Халқа йўлини қуриш нақадар долзарбниги ўз-ўзидан аён бўлади. Бош режа схемасида тавсия этилаётган шаҳар ичидаги кичик Халқа йўли транспорт тизимида янгилик деб то-

пили. Ушбу кичик Халқа йўли асосан барча туманларни боғлаб ўтади десак бўлади. У шаҳримизнинг Фарҳод, Юсупов, генерал Узоқов, Абдурахмонов, Асомов, Эргашев, темир йўл линииси бўйлаб қурилган ер ости йўлидан вокзалга ўтиб, сўнгра Оқ йўл, Умаров ва яна Фарҳод кўчасида туташади. Халқа йўлида бир неча тоннеллар, ер ости йўллари ва 7 та турли даражадаги транспорт тармоқлари бунёд этилади. Шаҳар ичида кичик Халқа йўли қурилиши билан бирга Тошкент Халқа йўлида ҳам таъмирлаш ишлари олиб борилади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, яқин келажакда пойтахтимизда автомобиллар кўпайиб, транспорт ҳаракати ҳам кучаяди. Шунинг учун ҳам автомобиль саройлари бунёд этишга ҳам аҳамият қаратилади. Бош режада 80 минг машинага мўлжалланган ер ости, 87 минг машина сизаган кўп қаватли сақлаш жойлари ва 50 минг машинага мўлжалланган оқчиқ тўхташ жойлари бунёд этиш кўрсатилган. Албатта, бу катта маблағ талаб қилинадиган, лекин зарур, бажарилиши лозим ишдир.

Яна бир савол туғилиши табиий. Бу қайси жамоат транспорти турларининг келажакда кўпроқ ривожланиши ҳақида бўлади, албатта. Экологик жиҳатдан тоза, атроф-муҳитга зарар етказмайдиган метро, трамвай ва троллейбус сингари жамоат транспорти турлари кўпаяди. Биринчи гада ер ости транспорти — метронинг янги йўналишларини барпо этиш, йўловчиларнинг маблағ ва вақтини тежашга аҳамият қаратилади. Шунингдек, янги турар жой мавзелари — Чуқурсой, Ҳасанбой, Бектемир, Ибн Сино ҳамда Самарқанд Дарвоза ва Мирзааҳмедов кўчалари бўйлаб трамвай линиялари ишга туширилади. Шаҳримиздаги Нукус, Форобий, Хўжаев, Аҳмад Дониш кўчаларидан ҳам троллейбуслар катнови йўлга қўйиш режаланган. Кичик Халқа йўли ва янги катта магистрал кўчалар бўйлаб ҳам серкатнов троллейбус йўллари очилади. Автобуслар катновига келсак улар асосан метро бекатлари билан боғлаб турувчи жамоат транспортларидан бўлиб қолади.

Шуни ҳам айтиш керакки, келажакда шаҳар ичида темир йўлда ҳаракат қилувчи тезкор транспорт воситаси — «электричка»лар хизмат қилади. Шу билан бирга шаҳар атрофидан ўтувчи темир йўлларда ҳам сезиларли янгиликлар бўлади, яъни уларни тўлиқ электр қувватига ўтказиш ҳамда Ғазалкент, Бекобод, Чиноз каби йўналишлар бунёд этиш мўлжалланган.

Бош режа лойиҳасида кўзда тутилган транспорт тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш, магистрал йўллар тармоғининг раванқи, жамоат транспортларининг қўлай ва шинам турларининг хизмат кўрсатиши, янги йўналишларнинг очилиши — буларнинг барча-барчаси ҳам шахримизнинг ишга, ўқишга, маданий-маиший хизмат шохобчаларига, шаҳар атрофидаги дам олиш масканларига ўз вақтида ва беҳатар бориб-қелишларида янада кўпроқ қўлайликлар яратишига аминимиз.

Шарифа ИЛЁСОВА ва Ильямира ЗАЙНУТДИНОВАлар ёзиб олишди.

Хозирги кунда хонадонларни газсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки биз овқат пиширишда, чой кайнатишда, ҳатто уйларимизни иситишда мана шу неъматдан фойдаланамиз. Айниқса у шаҳар шаронтида кўл келади. Шундай экан 2,5 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган шахримизни, хусусан, унинг энг катта туманларидан бири бўлган Юнусободда хонадонларни газ билан таъминлаш қандай йўлга қўйилган? Ойлар бу неъматдан тежаб-тергаб фойдаланишияптими? Мана шундай саволлар билан тумангаз идораси мутасаддиси Фатхулла ИБРОХИМОВга муурожаат қилдик.

— Фатхулла Иброҳимович, инсон учун яратилган неъматлар орасида электр ва газ маҳсулотлари ҳам асосий ўринни эгаллайди. Оғиримизни энгил қилиб, кундалик ҳаётимиз учун зарур қўлайлик

лаш мосламаси уларни назорат қилади ва самарали ишлашини таъминлаб беради. Утган йиллар мобайнида туманда йирик қурилишларнинг амалга оширилиши зиммамизга катта масъулият юкляди. Юнусободнинг барча мавзеларида жуда кўплаб турар жой бинолари бунёд этилди. Уларнинг ҳаммасига беминнат хизмат кўрсатиб газ билан таъминлашнига ёрдам бердик.

Асосий мақсадимиз ҳудуддаги аҳолини, ташкилот ва корхоналарни авариясиз, узлуксиз табиий газ билан таъминлаш, газ асбобларини кўп қаватли уйларида икки йилда бир марта, хусусий хонадонларда эса бир йилда бир марта назоратдан ўтказишдир.

— Хозир ўлкамизда олтин куз. Албатта бу даврда куз, қиш мавсумига тайёргарлик ишлари авж олади. Тумангаз жамоаси янги кунларда қишга қандай тайёргарлик олиб бормоқда?
— Бу йилги қишки тайёргарликни

Қиш тайёргарликни ёқтиради

МАВСУМИЙ ИШЛАР

ларни яратиб бераётган бу неъматдан тежаб-тергаб фойдаланиш эса ҳар биримизнинг виждоний бурчимиз. Шундай экан, келинг, суҳбатимизни тежамкорликдан бошлайлик.

— Айни муддао. Лекин тежамкорликни истеъмолчиларимиз ўзларига белгиланган меъёрдаги газдан чегириш ёки хонадонларга тарқатилаётган табиий газ таъминоти ҳисобидан деб тушунамасликлар керак. Тежамкорлик — бу газни миқдоридан ортиқча исроф қилмаслик демакдир. Афсуски жойларда тушунтиришлар олиб боришимизга қарамадан бу қоидага кўпинча амал қилинмаёттир. Биргина мисол. Яқинда ходимларимиз томонидан ўтказилган текширув натижасида туманимиздаги жуда кўплаб оилалар (албатта газ ҳисоблагич ўрнатилган хонадонлар бундан мустасно) ўз охиноларига ўрнатилган газ қурилмаларини кеча-кундуз ёқиб қолдираётганликлари аниқланди. Сабаби сўралганда улар бир донга гугурт чўпини иқтисод қилиш учун шундай йўл тутётганликлари маълум бўлди. Таққослаб қўринг-а битта чўпининг баҳоси қайдаю кечаси билан исроф қилинган газнинг қиймати қанча?

Биз қишли-қировли кунларни ҳисобга олиб, оилаларни етарли иссиқлик билан таъминлаш учун баъзида белгиланганидан ортиқча газ беряпмиз. Бунга тушуниб-тушунмай баъзилар мўл-кўл экан деб газни исроф қилишга йўл қўйишяпти. Албатта, табиат ҳамма нарсани бизга етарли ато этган. Лекин ундан тежаб-тергаб фойдаланиш ҳам бойлигимиз эканлигини унутмаслигимиз керак. Биз бу ўринда ҳатто ўзбошимчалик билан тандирга ёки иссиқхонасига газ ўтказиб ундан истаганча фойдаланаётганлар хусусида сўз юритишни ноҳозиб деб топдик. Уйлаймизки улар юқоридагилардан ўзларига тегишли хулоса чиқариб олишади. Қолаверса, бундайларнинг қилмиши узоққа бормайди. Улар сунга назоратчиларимиз томонидан бундай исрофгарчилик учун албатта жаримага тортиладилар.

— Туман аҳолисини газ билан узлуксиз таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида гапласак.

— Туманимиз бундан бир неча йил муқаддам тўла газлаштириб бўлинган. Бу албатта аҳолининг турмуш даражасини оширишга ва корхоналарнинг меҳнат унумдорлигига баракали таъсир кўрсатади. Туманда жойлашган барча хонадон ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ҳам табиий газ билан тўла таъминланганлар. Тумандаги 134 та газ тақсим-

«Тошгаз» бошқармаси томонидан тасдиқланган режа асосида март ойидан бошланган. Ишчи ва хизматчиларимизни тўрт гуруҳга бўлиб, бу гуруҳларнинг ҳар бирида етарли уста — мутахассис, чилангарлар бўлишини таъминладик. Улар ҳар қуни идорага йиғилиб, қилинган ишлар хусусида ахборот беришади, бажариш ишлар кўлами аниқланиб, вазифалар белгилади. Қишли, қировли кунларда газ босимини нормал ҳолатга келтириш, газ тақсимлаш мосламаларини бир-бирига улаш ишларини амалга ошириш тайёргарликнинг асосини ташкил этади. Бундан ташқари чилангарларимиз уйма-уй юриб, ҳар бир хонадонда газдан хавфсиз фойдаланиш юзасидан тушунтириш ишларини олиб боришмоқда.

— Чиндан ҳам шу кунларда пойтахтимизда газдан хавфсиз фойдаланиш бўйича икки ойлик ўтказилмоқда. Шундай экан ушбу ойликнинг асосий мақсади ҳақида ҳам тўхталиб ўтсак фойдадан холи бўлмайди.

— Ҳақиқатан ҳам шахримизда 4 сентябрдан 6 ноябргача икки ойлик ўтказилмоқда. Унинг асосий мақсади аҳолига газдан оқилона фойдаланиш қоидаларини тушунтириш, ўзбошимчалик билан, мутахассислар маслаҳатсиз газ асбобларини бир жойдан иккинчи жойга қўчирмаслик ва ниҳоят ёнгин чикиш ҳамда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишдан иборатдир. Бу тадбирда тумангаз хизматчилари ҳам фаол иштирок этишмоқда. Хусусан, шу кунгача маҳаллаларида, корхона ва ташкилотларда, кенг жамоатчилик ўртасида газдан хавфсиз фойдаланиш мавзусида бир қатор суҳбатлар ўтказилди. Туманнинг «Олой», «Аҳмад Дониш», «Юнусобод» бозорларида табиий газдан оқилона фойдаланиш, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш ҳақида маърузалар қилинди. Жамоатчилик жойлари ва марказларга газдан тўғри фойдаланиш қоидалари ёзилган эълонлар осиб қўйилди. Шу кунгача туманнинг 4,5,6,7,8-мавзеларида ва «Юнусобод», «Отчонар», «Бободехон», Беруний ва бошқа кўпгина маҳаллаларида «занго-ри олов» дан хавфсиз фойдаланиш, табиий бойлигимиз бўлган газни тежамкорлик билан ишлатиш тўғрисида аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилади.

Бир сўз билан айтганда икки ойлик давомда ҳар бир хонадон эгаси ва корхона раҳбариятига табиий газдан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш ўз хотиржамлигимиз кафолати эканлигини яна бир бор эслатмоқдан иборатдир.

Маҳмуд ОРИПОВ.

Таълим



Табиат кўнглини, соғлигини ярим қилиб яратган ногирон болаларни иқтимоий ҳимоя остига олиш, ўз ожизликларини сезмасликлари, бошқалардан ўзини кам деб ҳис қилмаслиги, ҳаёт қувончлари, шодликлари уларнинг қалбига ҳам ҳамнафас бўлиши учун мамлакатимизда кўп ишлар қилинмоқда. Бу борада шахримизнинг Мирзо Улугбек туманида жойлашган 105-маҳсус ёрдамчи мактаб-интернатда олиб борилаётган ишлар ҳам мактовга лойик.



БУ ГЎШАДА МЕҲР БОР...

— Мактаб-интернатимизда 238 ўқувчи ўқийди ва тарбияланади, — дейди Халқ таълими фидойиси, бутун умрини, меҳрини, қалб қурини шу ногирон болаларни оёққа қўйишга, уларга меҳр беришга баҳшида қилган инсон, шу мактаб-интернат директори Хилола Нўрмонова. — Интернатимизда асосан боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари, шаҳар табиий-таълимий комиссиясининг хулосасига кўра ақлий жиҳатдан бир оз носоглом болалар тарбияланадилар. Нутқида камчилиги бор бўлган болалар билан логопед ўқитувчилар шуғулланадилар, жисмоний ривожланишдан орқада қолган ўқувчилар билан эса соғломлаштириш дарслари ташкил қилинган.

Азиз фарзандларимизнинг таълим олишлари, бирон касб-корли бўлиб, элга озгина бўлса ҳам нафлари тегадиган инсон бўлиб етишшилари, соғлиқларини тиклашлари учун ҳамма шароитлар яратилган. Еруғ ва озода синфлар, ҳамма қўлайликлари бўлган спорт зали, катта ошхона, саранжон-сариниш та ётоқхоналар улар хизматига.


Соглом авлод йилида мактаб-интернатимиз жамоаси яна ҳам масъулият билан иш олиб бормоқдалар. Бу борада қатор дастурлар ишлаб чиқилган. «Соғ танда — соғлом ақл», «Кувнок стартлар», «Соғлом билим сирлари», врач-психолог, нарколог билан учрашувлар, меҳнат дарсларимиз ҳам жуда яқин йўлга қўйилган. Ўқувчилар меҳнат дарсларида дурадгорлик, слесарлик, тикувчилик хунарларини ўрганишмоқдалар. Қизларимиз мустақил равишда тика оладилар.

Ижтимоий-маиший йўналтириш дарсларида ўқувчилар мустақил ҳаётга ўргатилади, пазандчилик, ширинликлар йишириш ва уй юмушлари ўргатилади. Бўш вақтларида рақс тўғараги, моҳир кўлар, юмшоқ ўйинчоқлар ясаш, футбол, баскетбол тўғарақларида шуғулланадилар.

Ўқувчиларимиз жуда тиришқоқ, эҳтиш болалар. Улар бизнинг меҳнатларимизни оқлаб қатор мусобақаларда фахрли ўринларни олиб келмоқдалар. Масалан: 1995 йили июль ойида Америка



Шаҳримизга ярашқили бинолар.



Еш дарбозабон. Равиль Альбеков олган сурат.

Мен кимман? Қандай одамман? ИЧКИЛИКДАН ЭХТИЁТ БЎЛИНГ

Спиртли ичимлик ичиб транспортни бошқариш нимага олиб келишини баъзилар ўйлаб ҳам ўтиришмайди. Ваҳоланки, йўл-транспорт ҳодисалари туфайли бевақт дундан кўз юмиш, умрбод мажруҳ бўлиб қолиш ҳоллари эса тез-тез кулоққа чалиниб туради. Бундай бахтсиз ҳодисалар кўпинча спиртли ичимликдан ширакайф ёки кайфи тарок ҳайдовчиларнинг машина рулини бошқариши оқибатида рўй беради. Шу муносабат билан алкоғолнинг инсонга таъсири ҳақида нималарни билдишимизни синаб кўриш айни муддао деб ўйлаймиз. Қуйидаги тест саволлари-га берган жавобларингиз ва шу асосда тўплаган балларингиз бунга ёрдам беради.

- «Тўғри» ёки «Нотўғри» деб жавоб беринг.
1. Агар бирон одам спиртли ичимликдан қаттиқ маст ҳолатда бўлса, йўл ҳаракати хавфсизлигига энг катта хавф солади.
 2. Аччиқ қора ҳафта ёки кофеин таблеткаси ичкилик таъсирини кесди.
 3. Икки ёки уч қадаҳ спиртли ичимлик кўзингизни кўриш қобилиятига кўп ҳам зарар келтирмаса бўлади.
 4. Дам олиш ёки байрам кунлари ўлим билан тугаган ҳар беш бахтсиз ҳодисанинг бирида қурбон маст киши бўлиб чиқади.
 5. Спиртли ичимликдан маст бўлиш пидедалар учун хавф тугдирмайди.
 6. Ичкиликка берилган кишиларда хотиранинг бирдан йўқолиб туриши алкоғолизм деб аталган хасталикка йўлчи ҳавфидан огоҳлантирувчи сигналдир.
 7. «Бош оғриғи»дан қутулиш учун ҳар йили шамоллаш хасталиқларидан халос бўлишга қараганда кўпроқ маблаг сарф бўлади.
 8. Бир неча қадаҳ спиртли ичимлик одамнинг атрофдаги ҳодисаларга мутаносиб жавоб ҳаракатларини су-сайтиради.
 9. Алкоғолизм — руҳий хасталик.
- Жавоблар:**
1. **Нотўғри.** Автомобиль рулини маст одам бошқараётганини осонгина аниқлаш мумкин. Зеро, унинг машинаси «илонизми» юриш қила бошлайди. Маст кишилар кўз ўнгида «тез ёрдам» машинаси чироклари порлагунча бемалол юришади.
 2. **Нотўғри.** Фақат вақтинча алкоғолни танадан чиқариши мумкин.
 3. **Нотўғри.** Икки қадаҳ ичимлик кўзингизни кўриш қобилиятини сусайтиради ва уни қора кўзойнақ тақиб машинага ҳайдашга қийинлаш мумкин.
 4. **Нотўғри.** Ростини айтганда статистика маълумоти бундан ҳам даҳшатли — ҳар икки ҳодисадан бири.
 5. **Нотўғри.** Алкоғолдан маст бўлган пидедаларнинг кўча ҳодисаларидан ҳалок бўлиш фойдаси жуда кочори.
 6. **Тўғри.** Одам танаси алкоғолга худди анестезия (бир ёки бир неча сўзларнинг йўқолиши)дек акс жавоб қилади.
 7. **Тўғри.** Ишчи ҳатто ишга чиққанида ҳам унинг меҳнат унуми кескин пасайиб кетадики, корхоналар «бош оғриғи»дан ичувчилар ва бунга сарф бўладиган маблағлардан қўчийдиган бўлиб қолишади.
 8. **Тўғри ҳам, нотўғри ҳам.** Алкоғолизм асаб бузилиши оқибатида бошланғич мумкин. Лекин доимий ва кўп ичиш танада шундай жиддий ўзгаришлар бўлишига олиб келадикки, киши шундай хасталикка муштаро бўлиши мумкин.

«Хар тўғрида»

ОЛТИ ЙИЛ АДАШГАН ҚИЗ

Индонезиялик Лора исмли қиз қалин ўрмон ичида ёлғиз ўзи 6 йил яшабди.

Лора балиқ овлаш пайтида, қайиқларини тўлқин па-чқ қилиб ташлайди. Лора шу пайтда ўн яшар экан. Балиқчилар қайиқ ичидагиларни ўлган бўлса керак, деб ўйлашади.

Кунларнинг бирида Жанубий Суматранинг қиргоғи-даги дарёдан яланғоч қизни кўрган кишилар хайрон қолишади. Лоранинг ота — онаси қизини таниб, қанча сўхбатга чорламасин, қиз гапира олмабди.

Кидирбой Тўлабоев.

Қадри муштарий!
Бугундан эътиборан ўзингиз севган «Тошкент оқшоми» са-хифаларида «Бу ҳаёт бўстонида...» деган янги рукн остидаги мақолалар беришни бошламоқдамиз. Ўзингизга маълумки, биз яшаб турган ҳаётда, инсонлар тақдир ва қисматида не-не воқеа-ҳодисалар бўлмайди. Бинобарин кун билан тун бўлган-дек ҳаётда гул билан унинг тикани ҳам мавжуд. Шундай экан биз ён-атрофимизда, кўни-кўшнларимиз, ёр-биродар-ларимиз ўртаста бўлаётган воқеаларнинг жонли шохидимиз. Шундан келиб чиқиб одамлар ибрат оладиган ва хулоса чи-қарадиган туркум мақолаларни бундан буён «Бу ҳаёт бўсто-нида...» рукни остида ёритиб боришга жазм қилдик.

«Ёлғизгина қизимнинг бўйи ет-ган сари ҳуснада танҳо бўлиб бо-раётганидан қалбим олам-олам қувончга тўларди. Шу боис ҳам нима топсам, дарров сандикча со-лардим. Охири унга ҳам қаноат қилмай, тижорат билан шуғулла-на бошладим. Қизим 14 ёшга тўлиши билан уни узатиш тараф-дудига тушиб қолдим. Менинг бу ҳаракатимни кўни-кўшнлар ҳам сезиши шекилли ҳали у қарин-дошининг, ҳали бу танишининг ўғлини таърифлай бошладим.

«Қизимнинг ҳамма нарсасти тахт, чиройи ҳаммадан ортиқ бўлса борки, кам эмас, — ўйлар-дим ўзимча, — шунинг учун ҳам у бекаму кўст яшати керак. Худо хоҳласа, бой-бадавлат хонадонга узатаман». Гапимга фаришталар омин дедими қизим 9-синфини ту-гатиб, 15 ёшга тўлганда кетма-кет совчилар кела бошлади. Унинг ус-тига кўча-қўйда ҳам қизимга гап ташлайдиганлар кўپайиб, кўшни-ларнинг шивир-шивирлари ҳам мени безовта қила бошлади.

Тижорат билан бирга шуғулла-

хурсандчиликлар узоққа қўзилмади. Ўзим кейинги пайтда тижорат иш-лари билан бўлиб, қизимга ҳеч нар-сани ўргатмаган эканман, тўғриси у ҳаётга мутлақо тайёр эмас экан. Бъ-зида оила аъзоларига олдий муома-ла қилишда ҳам, турмуш ўртоғига муносабатда ҳам, рўзгор юмушлар-ида ҳам қийналди. Тўғри, қудалар-им, куёвим ёмон одамлар эмас экан. Унга ёрдам беришарди. Лекин барибир қизим уларнинг олдида ҳижолат бўларди. Бунинг устига у

нинг дилимни ўртайдигани энди у она бўлолмас эди. Шифокорлар бунни очиқ-ойдин айтишганда «юл» солиб йиғладим, ўзимни ўзим қарғадим, қизим — 15 ёшли маъ-сула фарзандимни узатганимдан, у она бўлиш бахтидан бутунлай бенасиб бўлганидан ўқиниб аччиқ-аччиқ кўз ёш тўқдим. Бунинг бар-ча-барчаси энди бефойда эди. Ана шунда ўзим кечирилмас хато қил-ганимни англадим. Қизимнинг чиройию бахтини ўз қўлларим бил-дан поймол этганимни шунда ту-шуниб етдим.

Қудаларим ҳеч нарса дейишга-ни йўқ, лекин ҳаммасини ўзим ан-глаб етдим: ахир уларнинг ўғлига фарзанд, ота-онага эса набира ке-рак. Шундай қилиб, 16 ёшли қизим яна уйимга қайтиб келди. Баъзида унинг дераза ёнида ўтириб менга билдирмай йиғлашларини, оғир хўрсинишларини эшитиб ўзимни кўярга жой топа олмайман. Қал-бимдан эса ҳали гўдак қизларини тезроқ эгасига топширишга шоши-лаётган оналарга қарата нидо оти-либ чиқади: «Шошилманг азиз оналар! Аввало қизларингизни жисмонан, руҳан, маънан турмуш-га тайёрлигига амин бўлинг. Ун-дан кейин тўй тадоригини кўра-сиз. Ахир эгуликнинг кечи йўқ-ку. Йўқса мен сингари кечирил-мас хато қилиб, бир умрга афсус-ланиб юрасиз. Зеро, фарзанд бах-ти — она бахти. Аёл бахти эса — фарзанд, ҳаёт гули ҳам, умр маз-муни ҳам фарзанд».

Онанинг дил сўзларини Шарифа МАНСУР қизи ёзиб олди.

Янги рукн: «Бу ҳаёт бўстонида...» КЕЧИРИЛМАС ХАТО

ҳомилалор бўлди. Шифокорлар эса ҳали унга фарзанд кўриш мумкин эмаслигини қайта-қайта таъкидлаш-ди. Лекин мен ҳам, қудам ҳам бунни эшитишни хоҳламадик. «Ҳеч нарса қилмайди, эсон-омон қўтилиб ола-сан» деб уни юпатардик. Лекин ба-рибир онаман-да юрагим бирон но-хушликни сезгандай кечалари уйку қочиб кетарди.

Ниҳоят ўша кун ҳам етиб келди. Қизим қаттиқ қийналди. Энг мала-кали шифокорларнинг ҳар қанча уринишлари ҳам зое кетди. Болани жарроҳлик йўли билан олишди, ле-кин чақалоқ икки соатгина яшди холос. Қизимнинг ҳам ахволи оғир эди. Лекин унинг ҳаётини сақлаб қолишди, аммо энг ёмони — ме-



Табассум УМИД УЧҚУНИ

Еш болакай отасининг шифтини қандай бўяётганини томоша қилиб турарди.

— Ўғлим, яхшилаб қара, урсан! — деди онаси унга.

— Катта бўлганимда, отангга қарашиб юбора-сан.

— Нима, отам мен катта бўлганча ҳам шундай томошалайманми? — деди ҳайратланганча бола-кай.

ФАН УЧУН ЙЎҚОТИШ

Ярим тунда эр хотини-га телефон қилади:

— Азизим, мен лабора-торияда ушланг қолдим... Ижозатинг билан, энди ушқидан ўслаб қоламан!

ТАНЛАШ ЙЎЛИ

Самолёт Лондон аэро-портининг қўниш йўлагига кирди. Иккинчи учувчи радио орқали диспетчердан аниқ вақтни сўради.

— Самолётингиз қайси мамлакатдан ўчиб келаяти-ми? — саволга савол билан жавоб берди диспет-чер.

— Бунинг қанақа аҳамияти бор? — сўради жаҳли чиққан учувчи.

— Сэр, биласизми, агар сиз Швейцария компанияси-дан бўлсангиз, аниқ вақт-соат 17 дан 51 дақиқа 16 сония, агар француз авиакомпанияси-дан бўлсангиз соат 17 дан 51 дақиқа ўтди. Агар Рос-сия мамлакатидан таш-риф бу юрган бўлсангиз, шунинг билан, буён пай-шанба!

Беҳининг ёввойи ва маданий тури бор. Кавказ, Марказий Осиё ва Кримда ўстирилади. У 4 минг йил муқаддам экинлаштирилган. Ўзбекистондаги Беҳизор-ларнинг 80 фоизи Фарғона vodiysидадир. Беҳи нави турлича бўлади: нок беҳи-си, кува беҳиси, нон беҳи, баҳри беҳи ва х.к.

Табобатда кўпроқ ме-васи ва уруғи қўлланади, қадрланади. Меваси таркибида қанд, кислоталар (олма ва лимон кис-лотаси), ошловчи модда-лар, пектин, С дармон-дори, эфир мойи, темир моддаларини сақлайди. Беҳи уруғида шиллиқ модда, гликозид, амиг-далин, мой, бўёқ бор. Шу моддалар талайгина ха-сталикларга шифо. Кези келганда беҳи хосияти-нинг ривояти ҳақида «Сихат-саломатлик» ма-жалласидан айнан келти-рамиз:

... Беморнинг дарди кундан-кун ёмонлаша бошлабди. Қилинмаган дори-дармон, кўрсатил-маган парихону азайим-хон, фолбин қасидахон қолмабди. Қоктириб сил-китишибди, алас-алас, баста-баста қилиб, тери-га ўраб саваллашибди, неча юз минг мазору чи-роқ ёқишибди, илму амал ва банд қилишибди. Барчаси бекор кетибди. Хуллас чувалчанг чучва-раси-ю, қизиштишон шўрвасигача бериб кўришибди. Беморнинг ахволи яхши бўлмабди.

Лўқмони Ҳакимни то-пиб, хастанни кўрсати-шибди. У касални кўриб чуқур уф тортибди-да шундай дебди:

— Уаизга билдирмай, бир чеккага ётқизиб қўйинглар, у охири кун-ларини бошидан кечи-ряпти.

Хастанинг ота-онаси ўн икки йил касалга қараб, хориб толган эканлар. Ноилож, ҳаким-нинг гапига кириб, уни тўшағи билан қари беҳи дарахтининг тағига ётқ-изиб қўйишибди. Бемор

ваю наботот ўзининг қай-си касалга даво эканлиги-ни тилга келиб менга айт-са-у сен нега индамадинг? Беҳи дарахти:

— Аввало сен мени мен-симмагандан, ундан сўнг, менинг сенга ҳисоб бера-диган жойим йўқ. Мен жан-нат мевасиман: агар ҳисоб бергулик бўлганимда ҳам Одам Атога бераддим...

Лўқмони Ҳаким сўрабди:

— Қандай дардларга да-восан?

Малҳамлар

БЕҲИ

ган қисмини ялаб бўлгун-ча, ўрнидан туриб ўтириб-ди. Беҳи унга жон ато қила-ётганидан завқлиб, за-ҳарланмаган қисмини бир тишлаган экан, ўша заҳо-тиёқ йўтали тўхтаб, енгил балғам ажрала бошлаб-ди...

Бемор эртасигаёқ ўр-нидан туриб, тўшақларини қоқибди. Беҳи остларини супуриб-сидирибди. Яна бир дона ярим сасиган бе-ҳини шохдан излаб топиб тановул қилибди. Хуллас, ун кун деганда бемор оёққа туриб, бир ҳафтада ўзига кела бошлабди. У фақат беҳи ер, еганда ҳам уру-ғигача қолдирмас экан.

Хастанинг қариндошлар-и мабодо ўлган бўлса, кўмиб қўяйлик, деб хабар олгани келишса, бемор беҳи гажиб ўтирган эмиш. Улар хайратдан лол қолиб, яна Лўқмони Ҳакимни то-пиб келишибди. Лўқмони Ҳаким ҳам бу ишга хайрон қолиб, суриштиргач, беҳи-га ўдағайлабди:

— Ҳой буқри, барча ме-

ширилгани шифодир. Беҳи меваси камқонлик-да, бачадондан қон оқишида ажойиб малҳам-дир. Уруғи гастроэн-теритда, колит (ичак ша-моллашида), қорин бўшлиғи дам бўлганда, бронхитда ишлатилади. Шу билан бирга тери куйганда даво.

Халқ табобатида беҳи-нинг барги, новдасининг пўстлоғи, ёш шохчалари қандли диабетда ва қон босими ошганда наф бе-ради.

Беҳи асабга, баъзи бир тур бош оғриқда хурсанд қилувчи таъсирига эгэ, юракка дармон берувчи омил ҳисобла-нади.

Мабодо кишиларнинг оғзи қуруқшаб қолгудек бўлса (айниқса узоқ суқ-таб қурганда ёки нутқ сўзлаганда) беҳи уруғи унинг олдини олади. Шунда нутқ сўзлашдан 30 дақиқа олдин 2-3 дона беҳи уруғини тил остига ташлаш даркор. Лозим бўлганда бир дона беҳи уруғини нутқ сўзлаган пайтда тил остида қол-дириш мумкин.

Беҳини кўп истеъмол қилиш мумкинми? деган савол туғилиши таби-ий. Ҳамма нарсаннинг меъёри бор. Беҳини кўп истеъмол қилиш киши ичинини қотириши мум-кин. Айниқса эмзикли ёшлар шунинг ёвда сақ-лаши лозимки, беҳида-ги ошловчи моддалар болани эмизгандан сўт орқали ўтади ва ичини қотиради, пировардда у қийналади. Шундай ҳол рўй берса, укроп сувини бериш керак. Меъёрида тановул эт-сангиз, жаннат меваси — беҳи соғлигингизга поёндоз бўлади...

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, дорихуно.

Бу ажиб дунё

ҚИЛИЧЛИ БАЛИҚ

Иккинчи жаҳон уруши ту-ғаш арафасида Англиянинг «Барбара» деб номланган танкери Атлантика океани-ни кесиб ўтаётган эди. Ку-тилмаганда, вахта назорат-чисининг «Чап тарафда тор-педо» деган товуши ҳамма-ни ваҳимага солди. Трево-га эълон қилинди. Команда аъзоларининг ҳаммаси па-лубага чиқиб, қайиқларга ўтириб сузиб, кетишга ҳозирлана бошладилар. Кема бошқарувчиси штур-вални жон ҳолатда буриб, кема курсини ўзгартиришга ҳаракат қиларди. Узун, қора рангли кемага яқинлашиб келаятган нарса ангина яхши кўринди. Яна бирор фурсатдан сўнг кулоқларни қоматга келтирувчи пор-таш содир бўлиши кутилар-ди. Лекин... Кема танаси унга урилган нарсадан қал-қиб тушди. Кеманинг олди қисмида сув бўлини қайнаб кетди ва яқинлашган «тор-педо» кемадан ажраб, чет-га сузиб кета бошлади.

Аниқланишича, кемага қилич балиқ ҳужум қилган экан. Бир ярим метр келадиган қилич кеманинг пўлатдан бўлган металл қопламасига худди ёгга киргандек кириб кетди. Шундан сўнг балиқ ўз қили-чини суғуриб олади ва бир оз сузиб айлиниб келгач, кемага қайтадан ҳужум қилиб, уни бошқа еридан жароҳатлайди. Шу дамба «Барбара» матрослари қили-чи кемага кириб қолган ба-лиққа қармоқ ташлаб, уни палубага тортиб оладилар. Унинг оғирлиги 680 кило-грамм, танасининг узунли-ги синиб қолган қиличиси 5 метр 28 сантиметр, кей-инчалик кемадан чиқариб олинган қиличининг узун-лиги эса 1 метр 54 санти-метр экан.

АЖОЙИБ ИХТИРО

Француз гинекологи Франкос Пейл нобё иختиро қилди. Унинг тасдиқлаши-ча, туғилмаган фарзанднинг жинси ота-онанинг қандай овқатланишига боғлиқ экан. Шифокорнинг ўзига хос кашфиёти ҳозир мамлакат-даги кўплаб оилалар ўрта-сида шов-шувга айланган кетган. Масалан, Франкос Пейл шундай маслаҳат бе-ради: агар сиз қиз фарзанд кўришни истасангиз кўпроқ сутли тасмайлари истеъмол қилишингиз керак. Шунинг-дек, ундан тайёрланган та-омлар ҳам бу максат учун фойдали ҳисобланади. Кўк ўт-ўланларни, мева-сабза-волларни ҳар кун тамадди қилиб турш эса, қиз фар-занд дунёга келишини 80 фоиз таъминлайди.

ЁМОН КЎЗДАН АСРАЙДИГАН ДОРИ

Германияда ўзтазилган сўровномалар натижасига кўра 12 фоиз аҳоли мамла-катда жодугарлар борлиги-га ва уларнинг ёвуз қуло-рига ишонишида. 32 фоиз германликлар эса жоду-гарлар борлигига аниқ ишо-нади. Уларнинг фикрига кўра айнан шу кўзга одам-ларнинг таъкиби туфайли турли касалликларга тез-тез йўлқилиши туришади. Бу фикрни маҳаллий фарма-цевтика институти қизғин қўллаб-қувватлади ва шу баъонда ёмон кўздан ас-райдиган махсус дори иш-лаб чиқарди. Айни пайтда шаҳардаги хоҳлаган дори-хонадан ёмон кўздан ас-ровчи ва давовлачи дорини харид қилиш мумкин.

ОСМОНДАН ЁФИЛГАН ДОЛЛАР

Вильнюснинг Юстиниш-кес даҳасида одамлар ус-тига осмондан дўл эмас, доллар пуллари ёғилиб туша бошлаганида ҳовлиқиб қолди. жунбушга келган оломоннинг аҳволини кўрсангиз эди! Бирдангина 25 минг дона юзталик дол-лар кўкдан қўқимтир қор мисоли ёғилиб қўнани, ма-шиналар устини қоплаб ол-ганида ҳамма жон ҳолатда қор ёққа чолиб қолди.

Бироздан сўнг воқеадан хабар топан полициячилар ҳам елиб-югуриб келиб қолишди. Одамлар «ур-йи-кит»да териб олган АҚШ долларини полициячиларга топширишга мажбур бўли-лар. Кейинчалик аниқла-нишича, булар сохта, ясама долларлар экан. Лекин ҳақиқийсидан фарқи йўқ эди. Полициячилар сохта пул ясовчининг уйини бо-санларидан, у қўрқанидан қалбаки долларларни дера-задан қўчага улоқтириб юборган экан.

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қўроғ бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўттиш тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.